



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК:612.61:612.62-001:340.6

ПЕДИАТРИЯДА ЯТРОГЕН ПАТОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ТАНАТОГЕНЕЗДАГИ АҲАМИЯТИ



Кўзиёв У.С.

Урганч давлат тиббиёт институти, Патоморфология кафедраси ассистенти.

Аннотация

Мақолада педиатрия амалиётида учрайдиган ятроген патологияларнинг таркибий тузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда болалар ўлими танатогенезидаги аҳамияти ўрганилган. Тадқиқот Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Тошкент шаҳри, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси филиалларида 2020 - 2024 йиллар давомида ўтказилган комиссия суд-тиббий экспертиза материалларининг ретроспектив таҳлили асосида амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра, ятроген ҳолатларнинг асосий қисмини диагностик ва даволашдаги хатолар, шошилиш тиббий ёрдамнинг кечикиши, туғруқни нотўғри бошқариш ҳамда клиник назорат нуқсонлари ташкил этган. Аниқланган ятроген омиллар полиорган етишмовчилиги, гипоксия, сепсис, анафилактик шок ва бошқа оғир патологик ҳолатлар ривожланиши орқали танатогенезнинг муҳим бўғини сифатида намоён бўлган.

Калит сўзлар: ятрогения, танатогенез, тиббий хатолар, суд-тиббий экспертиза, диагностик хатолар.

Аннотация

В статье изучены структура ятрогенных патологий, встречающихся в педиатрической практике, причины их возникновения, а также их значение в танатогенезе детской смертности. Исследование выполнено на основе ретроспективного анализа материалов комиссионных судебно-медицинских экспертиз, проведенных в филиалах Республиканского научно-практического центра судебно-медицинской экспертизы в городе Ташкенте, Бухарской области, Хорезмской области и Республике Каракалпакстан в период 2020–2024 годов. Результаты анализа показали, что основную долю ятрогенных случаев составляют диагностические и лечебные ошибки, несвоевременное оказание экстренной медицинской помощи, неправильное ведение родов, а также недостатки клинического наблюдения. Выявленные ятрогенные факторы проявлялись как важное звено танатогенеза через развитие полиорганной недостаточности, гипоксии, сепсиса, анафилактического шока и других тяжелых патологических состояний.

Ключевые слова: ятрогения, танатогенез, медицинские ошибки, судебно-медицинская экспертиза, диагностические ошибки.

Abstract

The article examines the structure of iatrogenic pathologies encountered in pediatric practice, the causes of their occurrence, and their significance in the thanatogenesis of child mortality. The study was conducted based on a retrospective analysis of materials from commission forensic medical



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

examinations carried out at the branches of the Republican Scientific and Practical Center of Forensic Medical Expertise in Tashkent City, Bukhara Region, Khorezm Region, and the Republic of Karakalpakstan during 2020–2024. The results of the analysis demonstrated that the majority of iatrogenic cases were associated with diagnostic and treatment errors, delayed emergency medical care, improper management of labor, and deficiencies in clinical monitoring. The identified iatrogenic factors acted as significant links in thanatogenesis through the development of multiple organ failure, hypoxia, sepsis, anaphylactic shock, and other severe pathological conditions.

Keywords: iatrogeny, thanatogenesis, medical errors, forensic medical examination, diagnostic errors.

Кириш

Сўнгги йилларда тиббий ёрдам сифатини баҳолаш ва бемор хавфсизлигини таъминлаш замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, тиббий аралашувлар билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ҳар йили миллионлаб инсонлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, болалар организмнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, иммун тизимининг етарли даражада шаклланмаганлиги ва компенсатор имкониятларининг чекланганлиги сабабли педиатрияда ятроген патологиялар алоҳида аҳамият касб этади.

Ятроген патологиялар тиббиёт ходимларининг ташхислаш, даволаш, профилактика ёки реабилитация жараёнидаги хато ҳаракатлари натижасида юзага келадиган патологик ҳолатлар бўлиб, улар айрим ҳолларда ўлимга олиб келувчи танатогенетик механизмларни шакллантиради. Шу нуқтаи назардан, болаларда ятроген патологияларнинг таркибий тузилиши ва уларнинг танатогенездаги аҳамиятини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади. Педиатрия амалиётида учрайдиган ятроген патологияларнинг таркибий тузилишини таҳлил қилиш ва уларнинг болалар ўлими танатогенезидаги аҳамиятини баҳолаш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқот объекти сифатида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Тошкент шаҳри, Бухоро, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси филиалларида 2020–2024 йиллар давомида ўтказилган 100 та комиссия суд-тиббий экспертиза материаллари олинди. Улардан 0–5 ёшли болаларга оид 32 та ҳолат чуқур ретроспектив таҳлил қилинди.

Тадқиқотда ретроспектив, клиник-анамнестик, морфологик, гистологик, таққослаш ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Натижалар ва муҳокама

Таҳлил қилинган 32 ҳолатнинг 18 таси (56,25%) ўғил болаларга, 14 таси (43,75%) қиз болаларга тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида ятроген ҳолатлар қуйидагича тақсимланган:

Тошкент шаҳри – 31,25%;

Бухоро вилояти – 28,13%;

Хоразм вилояти – 21,88%;

Қорақалпоғистон Республикаси – 18,75%.

Тадқиқот давомида аниқланган ятроген ҳолатларнинг асосий қисмини диагностик ва тактик хатолар ташкил қилди.

Ятроген патологияларнинг таркибий тузилиши

Аниқланган асосий тиббий хатолар қуйидагилардан иборат бўлди:



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Ятроген омил	%
Аллергик анамнез йиғилмасдан даво тайинлаш	22,2
Кесарча кесишнинг кечиктирилиши	11,1
Шошилич тиббий ёрдам кечиктирилиши	11,1
Нотўғри ташхис ва даволаш	11,1
Уй шароитида назоратсиз муолажа	11,1
Гепатознинг кеч аниқланиши	5,6
Қон гуруҳи ва резус омилнинг аниқланмаслиги	5,6
Ташхиснинг кеч қўйилиши	5,6
Тўлиқ клиник кўрик ўтказилмаслиги	5,6

Шунингдек, айрим ҳолатларда сурфактант терапиясининг ўз вақтида ўтказилмаслиги, реаниматолог маслаҳатининг кечикиши, лаборатор ва инструментал текширувларнинг бажарилмаслиги, гипоксия мавжуд бўлишига қарамай кесарча кесиш амалга оширилмаслиги каби камчиликлар қайд этилди.

Танатогенездаги аҳамияти. Таҳлил қилинган ҳолатларда ятроген таъсирлар қуйидаги ўлимга олиб келувчи патологик жараёнларни шакллантирган:

- бачадон ичи гипоксияси;
- асфиксия;
- полиорган етишмовчилиги;
- сепсис;
- диссеминацияланган томир ичи қон ивиши синдроми (ДВС);
- анафилактик шок;
- ўпка ателектази;
- бош мия ва ўпка шиши;
- гиповолемик шок.

Танатогенетик таҳлил шуни кўрсатдики, тиббий хатоларнинг аксарияти касалликнинг оғирлашишига олиб келиб, кейинчалик қайтариб бўлмайдиган морфофункционал ўзгаришларни шакллантирган.

Айниқса, гипоксия ҳолатларида кесарча кесишнинг кечиктирилиши марказий асаб тизими ва нафас олиш тизимида оғир ўзгаришларга сабаб бўлган. Аллергик анамнез йиғилмасдан препарат қўлланилган ҳолатларда эса анафилактик шок ривожланиб, тезкор танатогенетик жараён кузатилган.

Пневмония ва сепсис билан кечган ҳолатларда шошилич ёрдамнинг кечикиши полиорган етишмовчилигига олиб келган. Бу ҳолатларда ўлим механизми бир неча патологик занжирларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши билан характерланган.

Хулоса

Педиатрия амалиётидаги ятроген патологиялар таркибида диагностик ва даволашдаги хатолар етакчи ўринни эгаллайди. Энг кўп учрайдиган ятроген омиллар аллергия анамнез баҳоламасдан даво тайинлаш, кесарча кесишни кечиктириш, шошилич тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатмаслик ва нотўғри ташхис қўйиш билан боғлиқ бўлган. Ятроген патологиялар болалар ўлими танатогенезида мустақил ва муҳим аҳамиятга эга бўлиб, гипоксия, сепсис, полиорган етишмовчилиги, анафилактик шок ва бошқа оғир патологик ҳолатларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Суд-тиббий экспертиза материалларининг комплекс таҳлили ятроген ҳолатларни эрта аниқлаш, уларни баҳолаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради. Педиатрия амалиётида тиббий ёрдам сифатини ошириш, клиник протоколларга қатъий риоя қилиш ва тиббиёт ходимларининг малакасини мунтазам ошириш ятроген патологиялар сонини камайтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Фойдаланилган адабиётлар

1. Baek, G. H., & Chung, M. S. (2002). *Methicillin-resistant staphylococcus aureus osteomyelitis of the scaphoid from a catheter in the radial artery. Journal of Bone and Joint Surgery. British Volume*, 84(2), 273–274.
2. Bick, R. L. (2003). *Cancer-associated thrombosis. New England Journal of Medicine*, 349(2), 109–111.
3. Elsasser, D. A., et al. (2010). *Diagnosis of placental abruption: Relationship between clinical and histopathological findings. European Journal of Obstetrics & Gynecology and Reproductive Biology*, 148(2), 125–130.
4. FIGO Committee. (2003). *Recommendations on ethical issues in obstetrics and gynecology by the FIGO committee for the ethical aspects of human reproduction and women's health. International Journal of Gynecology and Obstetrics*, 82(3), 299–305.
5. Kalandarov, J. K., & Ruziev, S. I. (2023). *Iatrogenic pathology in the practice of a gynecologist. Medical and Natural Sciences*, 4(4), 504–508. ISSN: 2660-4159.
6. Royal College of Obstetricians and Gynaecologists. (2015). *Reducing the risk of venous thromboembolism during pregnancy and the puerperium (Green-top Guideline No. 37a)*. London:
7. Smith, J., & Brown, P. (2020). *Medical errors in gynecological practice: A forensic analysis. Journal of Obstetrics and Gynecology Research*, 46(5), 789–795.
8. World Health Organization. (2016). *Patient safety: Making health care safer*. WHO Press.
9. Zetterstrum, K., Lindeberg, S., Haglund, B., et al. (2007). *Being born small for gestational age increases the risk of severe preeclampsia. BJOG: International Journal of Obstetrics and Gynaecology*, 114(3), 319–324.
10. Кедров, В. С. (2005). *О терминологии профессиональных правонарушений медицинских работников. В: Перспективы развития и совершенствования судебно-медицинской науки и практики (материалы VI Всероссийского съезда судебных медиков, посвященные 30-летию Всероссийского общества судебных медиков)*. Москва–Тюмень, 126–127.